*Ўзбекистон Республикаси*
*Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

# Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш тўғрисида

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

бирлашмаси" давлат-акциядорлик жамияти балансидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази балансига текин берсин.

8. "Умид" жамғармаси:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда, Вестминстер университети билан келишган ҳолда 2002 йил 1 февралгача Халқаро Вестминстер университетининг ташкилий тузилмасини, штатлар жадвалини ва харажатлар сметасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Халқаро Вестминстер университетини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда берилаётган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилган ва мукаммал таъмирлаган, зарур ўқув-лаборатория анжомлари, компьютер техникаси ва кутубхона фонди билан жиҳозлаган ҳолда Халқаро Вестминстер университети комплекси 2002 йил 1 сентябргача ишга туширилишини таъминласин;

Ўзбекистоннинг олий таълим ва илмий муассасалари юқори малакали мутахассислари ва ўқитувчиларини танлов асосида танлаб олсин ва уларнинг тажриба орттиришини ташкил этсин, кейинчалик уларни Халқаро Вестминстер университети ишига жалб этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тақдим этсин;

"Умид" жамғармаси билан биргаликда Халқаро Вестминстер университетини 2002/2003 ўқув йили бошлангунгача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасалари учун мажбурий бўлган зарур ўқув-услубий ҳужжатлар билан таъминласин.

10. Халқаро Вестминстер университетига юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида университет 5 йил муддатга солиқларнинг барча турларидан ва божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари), шу жумладан, ўз эҳтиёжлари учун асбоб-ускуналар, моддий-техника ресурслари ва инвентарлар келтиришда истисно тариқасида озод қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Халқаро Вестминстер университетининг буюртманомаларига биноан, таълим жараёнида қатнашувчи хорижий ўқитувчиларга келиш визаларини консуллик йиғимлари ундирмасдан беришни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Халқаро Вестминстер университети буюртманомаларига биноан, таълим жараёнида қатнашувчи хорижий ўқитувчилар учун кўп марталик визалар берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, вақтинчалик рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини давлат божи тўловисиз таъминласин.

13. Халқаро Вестминстер университетига ўқитиш ва илмий ишлар учун таклиф этилган хорижий профессорлар ва ўқитувчиларнинг яшаши ва транспорт харажатлари учун тўловни миллий валютада, Ўзбекистон фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича амалга оширишга рухсат этилсин.

14. Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Халқаро Вестминстер университетини белгиланган тартибда зарур телефон ва телекоммуникация алоқаси турлари, шу жумладан, ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 16 январь.

*Янги замон одамлари*



# ОМАД КАЛИТИ

АРАФА кунлари эди. Тушга яқин котиба қиз кириб, пастда мени биров кутаётганини айтди. Қизиқ, ким бўлдийкин? Ойнаванд эшик олдида турган ўрта ёшлардаги кишини дарров танидим. У бир ҳафтача олдин даласида учрашганим — оққўрғонлик фермер Малик Каримов эди. Башанг кийинган, бошида яп-янги қалампирнусха дўппи, офтобда қорайган чеҳрасидан нур ёғилади.

— Келинг, — дедим салом-аликдан сўнг. — Қайси шамол учирди, Малик ака?

— Меҳр шамоли-да, жигар! Пойтахтга йўлим тушувди, бир кўриниб кетай, дедим. Мана, пахта мавсуминиям якунладик. Шукур, эл олдида юзимиз ёруғ, даромаддан кўнглимиз тўқ. Ўзбек пул топса, нима қилади? Яхши кунларга сарфлайди-да. Қизни узатадиган бўлиб қолдик. Келаси шанба— тўй. Ёру дўстларни эргаштириб бораверасиз. Қанча меҳмон бўлса, бош устига, жигар...

Дунёда сиздек бағри кенг, оқибатли инсонларнинг борига шукур. Акс ҳолда, рўйи-замин анчайин рангсизланиб қолган бўлармиди?.. Ўзбекнинг феъли шу: битта майизни қирққа бўлиб ейишга одатланган. У ёғини сўрасангиз, тўй-томоша, орзу-ҳаваснинг ушалиши. Бугун миллионлар қалбида гуллаётган орзу чечаклари, меҳнат ва яратиш иштиёқи...Зеро, буларнинг барчаси, энг аввало, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик шарофати.

... Ўтилмаган йўлнинг чуқури кўп, дейдилар. Малик Каримов фермерликка қўл ураркан, олдинда ўзини қандай мушкулотлар кутаётганини яхши биларди, албатта. Ер ўша, сув ўша, экин ўша, лекин энди «колхоз» эмас, ҳаммасига ўзинг хўжайинсан. Мулкдорлик туйғусининг гашти ҳам, масъулияти ҳам шунда. Бу ноёб ҳиссиёт юракка чўғ ташлайди, кўздан уйқу ва ҳаловатни ўғирлайди. Аслида чинакам деҳқон учун ором бегона. Тупроққа уруғ ташландими, тамом, унинг пайтавасига қурт тушди, деб ҳисоблайверинг. Мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун жондан кечиб меҳнат қилиш керак. Ахир, ерни алдаб бўлмайди-да!

Малик ака бошлаган ишини «ярим-ёрти» қилишга одатланмаган. Яъни қатъиятига яраша ғайрати, тадбиркорлиги бор. Фақат бир марта... доғда қолган. Бунга бешолти йилча бўлди. Қишлоқда ҳамма нарса бор-у, ун тегирмони йўқ эди. У кўпни кўрган қариялар билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, Украинага йўл олди. Бўлажак ҳамкорлар билан савдони пишитди, бир кеча-кундузда 100 тонна донни қайта ишлайдиган замонавий ускунани кўз остига олиб қўйди. Афсуски, пул масаласи... М.Каримов тарвузи қўлтиғидан тушиб, туғилган қишлоғига қайтаркан, бир ниятни дилига маҳкам тугди: «Лафздан қайтиш йўқ. Тегирмонни энди ўз кучим, ўз маблағим ҳисобига қураман!»

Шундай бўлди. Бир йилнинг нари-берисида ун тортиш, шоли оқлаш, омихта ем тайёрлаш цехлари қурилиб, ишга туширилди. Яқин атрофдаги қишлоқларда яшовчи аҳоли бундан беҳад мамнун. Чунки кўпчиликнинг узоғи яқин, мушкули осон бўлганди-да.

Яна бир гап. 2000 йилда ташкил этилган фермер хўжалигининг «Покиза-М» деб номланишида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Хўжалик аҳли 56 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Дастлабки қадамлар қутлуғ келди. Исбот, дейсизми? Марҳамат: ўтган йили 32 гектарнинг ҳар гектаридан 41 центнердан сара ҳосил йиғиштириб олинди, давлатга 120 тоннадан зиёдроқ пахта сотилди. Бунинг эвазига катта даромад қўлга киритилди.

— Сизга айтсам, ер ишлаганни қуруқ қўймайди, — дейди «Покиза-М» фермер хўжалиги раҳбари М.Каримов. — Ўзимиздан қиёс: бултур 20 гектар ерга кузги дон экилганди. Якунда ҳар гектаридан 52 центнердан сифатли ҳосил йиғиштириб олинди. Пулга чақадиган бўлсак, бу — нақд 6,5 миллион сўм дегани. Энг муҳими, режадан ошиқча етиштирилган 50 тонна дон ўз ҳисобимизда қолди. Илгариги замонда деҳқон меҳнати етарлича қадрланмас, унинг пешона тери эвазига ундирилган ҳосил тақдирини «юқори»да ўтирганлар ҳал қилишар эди. Энди ҳар ким ўз мулкига, ўз эркига ўзи хўжайин. Масалан, биз даламизда етиштирилган пахтадан қанча тола, қанча ёғ, қанча чигит чиқишини билмаймизми? Жуда яхши биламиз. Келинг, сизга соддароқ қилиб тушунтирай: давлатга сотилган 120 тонна пахта хомашёсидан, хомаки ҳисоб-китобларга қараганда, 83-85 тонна чигит олинади. Шундан 30 фоизи қайта ишлаш корхонасининг улушидир. Қолгани — ўз ихтиёримизда. Хоҳласак, уни харидор топиб сотамиз, хоҳласак, ёғ-мойга алмаштирамиз. Бу ҳам қўшимча 4-5 миллион сўм даромаддир.

Кексадир, ёшдир, ўз истеъдоди ва лаёқатини юзага чиқаришни истаган ҳар бир киши учун бугун имконият эшиклари кенг очиқ. Президент, ҳукумат тадбиркорнинг бошини силаяпти. Яна нима керак? Асли қурувчидан чиққан фермер М.Каримов яратиш ва бунёдкорликдан бир олам завқ туяди. Бу баландпарвоз гап эмас. Туманда барпо этилган кўпдан-кўп иншоотларда унинг дастхати бор. «Покиза-М»ни ташкил этаркан, баъзилардек жарақ-жарақ пул топишни, данғиллама уй қуриш ёхуд «иномарка» машиналарда юришни хаёлига ҳам келтиргани йўқ. Юртимга, халқимга бўлсин, дейди у. Айни кунларда фермер хўжалигида 30 киши меҳнат қилмоқда. Ўртача маош — 25 минг сўм Комил Султонов, Саидакбар Каримов, Сайдулла Исомов каби сувчи ва механизаторларники бундан 1,5-2 ҳисса кўпроқ. Тушлик овқат — бепул. Олинган фойда ҳисобилан тез-тез мукофот пули ҳам бериб борилади.

**ИСБОТ ВА ДАЛИЛ. Асл деҳқон сийлов ёки мукофот учун ишламайди. Унинг меҳнати ўз вақтида муносиб қадрланса, бас. Туманда 13 та ширкат, 370 та фермер хўжалиги мавжуд. Агар эришилган натижаларни таққослаб кўрадиган бўлсак, «улоқ» фермер хўжаликларида кетаётганлигини англаш қийин эмас. Чунончи, ўтган йили улар тасарруфидаги 1759 гектар ғаллазордан 7941,5 тонна сара дон йиғиштириб олинди. Буни ҳам қўйинг. Пахтачилик амалиётига янгича ёндашув, мавжуд ер, сув ва техника воситалари, ички омиллардан расамади билан фойдаланиш, шубҳасиз, ўз самарасини бермоқда.**

Бундай жойда ким ишламайди, дейсиз? Ишлайди-да, Аммо бизнинг фермер анойилардан эмас. У ҳар бир ходимни меҳнатига қараб сийлашни билади. Дангаса ва танбалларга жамоада ўрин йўқ, Чунки бозор шароитида югурган топади, ишлаган тишлайди. Тасаввур қилинг: хўжалик ташкил этилган дастлабки пайтларда унинг ҳисобида биронта ҳам техника йўқ эди. Техникасиз фермер фермерми? «Олтой», «Белорус», «МТЗ-80» русумли тракторлар жамоанинг ҳалол пулига сотиб олинди. Энди улар — хусусий мулк. Ўз мулки, ўз айланма маблағини шакллантирган хўжалик эса ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Бу ҳаёт синовидан ўтган оддий ҳақиқат.



Фермер хўжаликлари тасарруфидаги 2401 гектар пахта майдонидан 7200 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етиштирилди. Маккажўхори, картошка, сабзавот-полиз маҳсулотлари салмоғи ҳам ҳар йилгидан мўл бўлди. Бу борада, хусусан, «Н.Ўрол», «Хўжабиддин», «Покиза-М», «Баҳром», «Адолат» фермер хўжаликларининг улуши салмоқлидир.

...Туш пайти. Зангори осмон тиниқ, мусаффо. Шийпон олдида майин шовуллаб турган тераксор эътиборимизни тортди. Буни сезган Малик ака изоҳ берди:

— Қаттиқ меҳнат қилдик. Майдончанинг юза қатламини унумдор соз тупроқ билан «бойитиш»га тўғри келди. Нега десангиз, илгари бу ерда Навоий номли ширкат хўжалигининг гаражи жойлашган эди-да. Гараж бошқа ерга кўчирилгач, ўрни ҳувиллаб қолди, ахлатхонага айланди. Янгангиз, ўғиллар — ҳаммамиз бир ойча тиним билмадик. Инсон қўли гул, деганларича бор. Мана, шинамгина масканга айланди. Жами 5000 туп терак экканмиз, Яна икки йилда қучоққа сиғмай қолади. Сотсак, буям даромад...

— Савоб ишга қўл урибсизлар. Инсондан шу қолади-да. Келажакдаги режалар қандай?

— Умр ўтаяпти, — дейди ҳамроҳим ўйчан товушда. — Кўнгилда ниятлар кўп. Худо саломатликни берсин, ишқилиб. «Покиза-М» таркибида чорвачилик йўналишини вужудга келтириш менинг катта орзуимдир. Камида 50-60 бош қорамолни парваришлаш учун имкониятимиз бор. «Тадбиркорбанк»нинг туман бўлимига 10 миллион сўм кредит сўраб ариза берганман. Афсуски, бир неча ойдан бери ана шу масала ҳал бўлмаяпти.

Малик ака гапираяпти-ю, аммо менинг кўз ўнгимда унинг шижоатли, ўктам қиёфаси улуғворлашиб бораётгандек. Бунинг сири, ҳикмати нимада? Одамни меҳнати безайди. Лекин, билсангиз, меҳнат билан меҳнатнинг фарқи бор. Ҳаётда пул топиб, ақл топмаганлар қанча! Ҳамонки, инсонийлик шевасидан гап очилган экан, у кишининг яна бир хислати ҳақида тўхталмасдан ўтолмайман. Буни саховатпешалик деймизми, болажонликми...

Ҳар йили Наврўзда Малик ака ўз ҳисобидан элга ош, сумалак тортади. Қишлоқдаги 14-мактабни оталиққа олганини ҳам кўпчилик билади. Қиш олдидан камхарж оилаларнинг фарзандларига қарийб юз минг сўмлик кийим-кечак улашиб, мактаб биносини таъмирлаш учун 500 минг сўм маблағ сарфлади. Қишлоқ қарияларидан бир гуруҳи муқаддас қадамжо — Бухорои шарифни зиёрат қилиб қайтишди. Бунда ҳам фермер бош-қош бўлди. Демак, уни савобнинг тагида қолди, деб ҳисоблайверинг!

**Носир ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Е. БОТИРОВ**
**олган суратлар**



**ИСБОТ ВА ДАЛИЛ. Таъкидлаш жоизки, пахтачилик туманда етакчи тармоқ саналади. Илғор тажриба ва замонавий фан ютуқлари амалиётга кенг жорий этилаётгани, бозор иқтисодиётига хос турли мулкчилик шакллари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани боис, ишлаб чиқаришда барқарор ўсишга эришилаяпти. Ўтган йили мавжуд 14200 гектар пахта майдонига асосан «С-65-24» навли чигит экилди ва гектар ҳисобига 30 центнердан, жами 40,8 минг тонна сифатли хомашё йиғиштириб олинди. Бу — режада кўзда тутилганидан анча зиёд. Ҳисоб-китобларга қараганда, тармоқдан 4 миллиард сўмга яқин даромад олиш кўзда тутилаяпти.**

# МАЖМУА ЙИҒИЛИШИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи котибияти мудири Т.Норбоева ана шу ҳақда маъруза қилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ҳамда Жиззах, Самарқанд ва бошқа вилоятлар ҳокимлари ўринбосарлари, вазирлик ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг шу хусусдаги ахборотлари тингланди.

"Соғлом авлод" давлат дастурида белгиланган вазифалар юзасидан жойларда талайгина ишлар амалга оширилди. Республикада "Она ва бола скрининги", юқумли касалликларга қарши курашиш, "Жозибадор табассум", "Балоғат даври" дастурлари амалиётга изчил татбиқ этилмоқда. Барча ҳудудларда истеъдодли болаларни рағбатлантириш, улар ўртасида турли спорт мусобақаларини ташкил этиш ишлари олиб борилаяпти.

Шуниси эътиборлики, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий мақоми ва аҳамиятини ошириш мақсадида тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, болали аёлларни иш билан таъминлаш, касаначилик меҳнатини ривожлантириш юзасидан изчил тадбирлар амалга оширилаётир.

Мажмуа таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан "Она ва бола" давлат дастури ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туғруқ мажмуалари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланяпти. Қизлар саломатлигини назорат қилиш мақсадида "Болалар ва ўсмир қизлар репродуктив саломатлиги" ўқув-методик маркази, вилоятлардаги барча туғруқ комплексларида унинг филиаллари ташкил этилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ

## ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ФАОЛЛАШМОҚДА

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ дастлабки кунлариданоқ миллий давлатчилигимиз анъаналари, илғор давлатлар тажрибасига таяниб, ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида илдам қадамлар ташланди. Конституциямизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этишнинг асосий тамойиллари, хусусан, ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи бўлган суднинг мустақиллиги белгилаб берилди. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий низоларни ҳал этишда одил судловнинг ўрни Асосий Қонунда ўз ифодасини топди.

Маълумки, вужудга келаётган янги мазмундаги иқтисодий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал этишда одил судловни таъминлаш Юртбошимиз ташаббуси билан бирмунча олдинроқ бошланган эди. 1991 йил 20 ноябрда «Ҳакамлар суди ва хўжалик низоларини кўриш тартиби тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши туфайли муқаддам маъмурий буйруқбозлик, баъзида «чойхона»ларда ҳал этиладиган низоларга одил судлов йўли билан баҳо бериладиган бўлди. Кейинчалик ҳакамлар судлари хўжалик судлари деб қайта номланди. 1993 йил 2 сентябрда «Судлар тўғрисида»ги Қонун ва Хўжалик процессуал кодексининг қабул қилиниши хўжалик судлари фаолияти ва тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, хўжалик судлари айнан мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг самарасидир. Кейинги йилларда хўжалик судлари фаолиятини такомиллаштиришга оид бир қатор махсус қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, Президентимизнинг 1996 йил 25 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан Тошкент шаҳар хўжалик суди ташкил этилиб, хўжалик судларининг таркиби, миқдори ва тузилиши тасдиқланди. Кейинроқ эса Вазирлар Маҳкамасининг «Хўжалик судларини моддий-техникавий таъминлаш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Президентимизнинг «Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга (1997 йил 5 февраль) асосан, давлат ҳокимият, назорат идоралари ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг хўжалик судлари қарорларини ўз вақтида ва аниқ ижро этилиши юзасидан жавобгарлиги оширилди. Жаҳон андозаларига мос келадиган янги Хўжалик-процессуал кодексининг қабул қилиниши иқтисодий низоларни самарали ҳал этиш механизмини тўла яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони билан хўжалик судларига низоларни кўриш жараёнида аниқланган қонунбузарликлар бўйича мансабдор шахсларга нисбатан жиноий, маъмурий ва бошқа жавобгарлик чоралари қўллаш ваколатлари берилди.

«Судлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуннинг қабул қилиниши эса хўжалик судлари суд тизимининг муҳим бўлаги сифатида қарор топишини тўла таъминлади.

Айни пайтда хўжалик судлари тизимида 143 нафар судья, 300 нафарга яқин суд ходими ва 34 нафар суд ижрочиси фаолият кўрсатмоқда. Ана шу нисбатан кам сонли жамоанинг саъй-ҳаракатлари билан иқтисодий муносабатларда қонунчиликни мустаҳкамлаш хўжалик юритувчи субъектлар, хусусий тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Қисқа даврда иқтисодий ночор корхоналарни банкрот деб эътироф этиш ҳақидаги ишлар сони анча кўпайганлигини ҳам айтиш зарур. Бундан ташқари, фаолият юритмайдиган кўпгина корхона ва ташкилотлар қайта ташкил этилди ва тугатилди.

Бундан ташқари, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликдан келиб чиқадиган низолар сони кескин ортганлигини таъкидлаш лозим. 2000 йилда 121 та, ўтган йилнинг 9 ойида 98 та давлат ва бошқа органларнинг қонуний бўлмаган ҳужжатлари ҳақиқий эмас, деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги Фармонига кўра, ишларни кўриш жараёнида шартнома ва тўлов интизомини бузишда, ўз мансабини суиистеъмол қилишда, мансабига совуққонлик билан қараб, корхоналарни банкрот ҳолатига олиб келишда айбдор бўлган 851 раҳбар ходимга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди. 4624 нафар раҳбар ходим моддий жавобгарликка тортилиб, улардан 85,6 млн.сўм ундириб олинган. 5031 шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларга 78,8 млн. сўмлик жарима солинган. 1863 ходим интизомий жавобгарликка тортилиб, 192 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Чет давлатлар субъектлари иштирокидаги ишлар сони ҳам ортиб бормоқда. Хўжалик судлари фақатгина ишларни кўриш билан чегараланиб қолмаяпти. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ишида ҳам фаол қатнашмоқда. Фақатгина 2000 йилда 1700 га яқин иш бевосита меҳнат жамоаларида, яъни сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Адлия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда барча туманларда тадбиркорлар билан шартнома муносабатларини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари, биринчи навбатда деҳқон ва фермер хўжаликлари, ўрта ва кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мавзуларида доимий тарзда семинар машғулотлари ташкил қилинмоқда. Тадбиркорларга даъво аризалари ва хўжалик шартномаларини расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Тадбиркорларнинг хўжалик судларига ҳеч қандай монеликсиз мурожаат қилишларига имкон яратилди. Натижада мурожаатлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. 2000 йилда 1015 та ўрта ва кичик бизнес субъекти, деҳқон ва фермер хўжалиги манфаатлари ҳимоя қилинган бўлса, ўтган йил бу кўрсаткич анча ошди.

Хўжалик судлари яқинда ўзининг ўн йиллигини нишонлади. Ўтган қисқа даврда мамлакатимизда суд тизимининг ажралмас бўлаги сифатида шаклланган хўжалик судлари иқтисодий муносабатларда қонунчиликни таъминловчи мустақил органга айланди. Энди вазифаларимиз иқтисодий муносабатларда одил судловни таъминлаш. Яъни тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада қатъий ҳимоя қилиш, ҳар қандай иқтисодий низонинг фақат суд йўли билан ҳал этилишига эришишдан иборат. Бу, албатта, хўжалик судлари тизимини янада такомиллаштиришни тақозо қилади.

Шу ўринда Олий хўжалик суди мақомини янада ошириш, унинг таркибида қонунчиликнинг айрим соҳалари бўйича ихтисослашган судлов таркибларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга бўлишини қайд этиш лозим. Бу иқтисодий соҳадаги қонунчиликни қўллаш борасида таҳлилий-услубий ишларни такомиллаштиришга, шу тариқа судлар, тадбиркорлар ва бошқа иқтисодий муносабатлар иштирокчиларига қулайлик яратилишига имкон беради.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, қуйи хўжалик судлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган бўлиб, туман миқёсида мавжуд эмас. Ўз манфаатлари бузилган тадбиркор хўжалик судига ариза беришидан бошлаб у ҳал этилгунига қадар камида 3-4 марта вилоят марказига қатнаши керак. Хусусан, вилоят марказидан 100-200 километр узоқликда жойлашган туманлардаги тадбиркорларнинг шунча масофага келиб-кетиши жойларда айрим қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Кўпгина ҳолларда уларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судларига мурожаат этмасликларига ҳам сабаб бўлмоқда. Шундан келиб чиқиб, хўжалик судлари ходимлари иштирокида жойларда ўтказилаётган деҳқон-фермерлар, хусусий тадбиркорлар ва оилавий пудратчилар билан бевосита мулоқотлар, суҳбатлар чоғида ҳамда оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларда улар туманларда ҳам хўжалик судларини ташкил этиш лозимлигини билдирмоқдалар. Шу муносабат билан фуқаролик ишлари бўйича судлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, туманлараро хўжалик судларини ташкил этиш республикада суд ислоҳотларини амалга оширишда, шунингдек тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг янада ишончлироқ ҳимоя қилинишини таъминлашда муҳим қадам бўлади, деган фикрдамиз.

Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқий ислоҳотларнинг кейинги босқичида судьялар ва суд ходимларининг касб малакасини ошириш, зукко ходимлар мактабини ташкил этиш, суд жараёнларини янада соддалаштириш ҳақида бош қотирмоқдамиз. Зеро, бу тадбирлар тобора ривожланиб бораётган иқтисодий муносабатларда қонунчиликни таъминлашда муҳим восита бўлади.

**Н.АҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий хўжалик суди раисининг**
**биринчи ўринбосари.**

# ФАҚАТ НОН ДЕБ ЯШАМАС ИНСОН

**«ХУСУСИЙ МУЛК БОШҚА МУЛК ШАКЛЛАРИ КАБИ ДАХЛСИЗ ВА ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДАДИР».**
**(53-модда).**

Болалигимизда руҳимиз ҳеч қандай куракда турмайдиган бир ақида — хусусий мулкка нафрат руҳи билан суғорилди. Эндиликда, истиқлол даврида ана шу заҳарни, Чехов таъбири билан айтганда, танамиздан сиқиб чиқариш учун, ўзимизнинг бутун ички дунёмизни офтобрўяга ёйиб, пўстаклашга тўғри келяпти.

*Сабоқ*




Бу — оғир кечадиган руҳий жараён. Ўз нафратингни меҳрга айлантириш ва бу меҳр тамойиллари асосида ҳаёт кечиришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун бир неча авлод амалий тараддуд жараёнини кечириши, маънавий эврилишни содир эта билиши керак. Бу эса, биз англаб ўрганган тўқнашувлар мажмуаси эмас, балки ақлий соғломлашувнинг тадрижий жараёни тарзида юз бериши лозим.

Шимол халқларидан бирида бир удум мавжуд экан. Агар бир одам иккинчисини «қашшоқ» деб ҳақорат қилса, ҳақоратланаётган одам ҳақоратловчининг юзига тупуриши зарур. Бутун бир халқ ўзининг қашшоқлиги билан керилса, бир кунмас, бир кун тарих унинг юзига «тупуради». Истиқлол Конституцияси бизни ана шу ҳақоратдан қутқариб қолди. «Биз камбағал оиладан келиб чиққанмиз» деб анкета тўлдиришдан халос бўлдик. Бобою момоларимизнинг «бой бўлгурлар» деган азалий дуоларида қандай ҳикмат пинҳон эканлигини тушуна бошладик.

Энди масаланинг бошқа бир «лекин»и чиқиб қолди. Илгари қашшоқликка ружу қўйилса, энди бойликка ана шундай топинадиганлар, бир-бирининг обрўсини чўнтакларидаги пул билан ўлчайдиган, «Мен бой бўлсам, сен аблаҳ, сен бой бўлсанг, мен аблаҳ» қабилида тирикчилик ўтказадиганлар ҳам учрай бошлади. Мен ўйлайманки, ҳозирги Конституциямиз бой бўлувчининг ўзига хос бир «Ахлоқ кодекси»дир.

Тарихимизда бойликнинг инсонга, инсоннинг бойликка муносиб бўлишининг тимсоллари кўп. Ана шулардан бири — Алишер Навоий ҳазратларидир. Биз манбалардан биламизки, ўз бойлиги билан Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийга эмас, балки Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарога ҳомийлик қилган эди. Биз бу икки буюк сиймо ҳукмронлик қилган даврда (Ҳусайн Бойқаронинг сиёсий, Алишер Навоийнинг маънавий ҳукмронлиги) Мовароуннаҳр, барча мураккабликларига қарамасдан, тараққий топган ва бу тараққиётда мамлакатда ҳар бир қора чақа ҳам ўз ўрнига сарфланганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигини яхши биламиз. Бу эса бойликнинг чиндан-да, ҳар икки маънода ҳам давлат бўлганлигидан дарақдир.

Мулк, бойлик фақат тирикчилик ўтказиш учун эмас, балки инсон деган шарафли унвонга муносиб ҳаёт кечириш учундир. Бундай бойликка фақат ҳалол меҳнат билан эришилади. Мана шундай бадавлат инсонгина бошқаларнинг кўзига «олабўжи» бўлиб кўринмайди. Балки, билъакс, ҳамма учун биродарга айланади. Бундай бой бўлишнинг мезони, аввало, бизнинг Конституциямиздир.

Қомусимиз мудом тантана қилаверсин!

Бой бўлинглар!

**Матназар**
**АБДУЛҲАКИМОВ,**
**шоир.**



**Қандайлигидан қатъи назар, болалик хотиралари инсон умри давомида унинг онгига муҳрланган кечмишларининг энг самимий ва беғуборидир. Шу боис Света опанинг тантиқроқ овози қулоғимда жаранглагандек бўлаверади. Ҳатто онам айтган эртакдаги айёр тулкичаю олмахонлар ҳам худди ўша овозда гапиргандек.**

**Опанинг овозлари яна қўнғироқдек жарангдор, ширали. Негаки, бу чиндан-да эрка, беғубор ва шу билан бирга, шумгина кичкинтойнинг овози! Опанинг бугун етук ёшга тўлганини эшитиб, рости ҳайратландим. Яна ўша шўх ва қайсаргина миттивойнинг гоҳи қиқирлаши, чулдираб сўзлашлари янграгандек бўлди.**

# БОЛАЛИКНИ ТАРК ЭТМАГАН САНЪАТКОР

... Тошкентнинг «Баландмачит» маҳалласида Қодирхўжа ака оиласини танимаган киши топилмасди. Сабаби — оила аъзолари, қавми-қариндошларнинг бари қўли енгил шифокор сифатида элда ҳурмат топган. Бу маҳаллада яна Ғанижон Тошматов, Саодат Қобулова, Машраб Юнусов, Зуҳур Қобулов каби санъаткорлар ҳам истиқомат қилишарди. Ана шундай санъат дарғаларининг Қодирхўжа ака билан доимий гурунгининг таъсирими, ишқилиб, қизалоқ ҳали мактабга бормасиданоқ, саҳна санъатига меҳр қўйди. Меҳрки, буни шунчаки ҳавас ё иштиёқ билан адаштирсак, янглишамиз. Байрамларда турли эртакларни саҳналаштиришга бош-қош бўлган қизча санъаткор бўлишдек орзу билан яшарди. Табиатан қувноқ, серҳаракат, ғайратли қиз ўзининг яна бир севимли машғулоти — спорт билан шуғулланишни канда этмасди.

Мактабни муваффақиятли тамомлаган Светлана Тошкент давлат педагогика университетининг жисмоний тарбия факультетига ўқишга киради. Айни пайтда у актёр бўлишдек ниятидан ҳам воз кечолмасди. 1961 йили ижодий танловлардан муваффақиятли ўтиб, Тошкент давлат санъат институтида ўқий бошлади. Аввал муаллимлик, кейин эса санъат олий ўқув юртини тугатди. Республика Ёш томошабинлар театрида ишлади. Светлананинг театрдаги ижодининг ўзига хос томони шундаки, у саҳнада ҳам қиз болалар, ҳам ўғил болалар ролини ижро этарди. Нозиккина қиз спорт мактабида мусиқали бадиий гимнастикадан дарс беришга, радиоэшиттиришлар, телеспектаклларда қатнашишга ҳам бемалол улгурарди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, у «Ўзбекфильм» киностудиясига ишга киради. «Дилбарим», «Олишув», «Фидойи», «Виждон амри», «Наташахоним», «Коинот ғорининг сири», «Ватан ўғлонлари» каби фильмлар, «Наштар», «Зумраша» ҳажвий киножурналларида катта-кичик образлар яратади.



Шу билан бирга, биз кўрадиган кадр замирида яна бошқа мураккаб ва сермазмун актёрлик фаолияти ҳам мавжудки, унинг ижодкорлари меҳнати дарров кўзга ташланавермайди. Бу дубляж санъатидир. Светлана опа ҳозирга қадар 1500 дан зиёд бадиий фильм ва мультфилм қаҳрамонларини она тилимизда бийрон гапиртирган. Аҳамиятга молик жиҳати, санъаткор дубляж жараёнида фақаттина болаларнинг овоз оҳанги, қиз ё ўғил болага хос сўзлаш маҳорати билан чекланиб қолмай, балки кичкинтойларнинг дунёқараши, руҳияти ва кайфиятини ҳам томошабинга моҳирона етказа билади.

— Лекин дубляжда овоз ва нутқнинг интонацион тузилишигина кифоя эмас. Агар интонация рус тилидан қандай бўлса шундайлигича кўчирилса, ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Овоз берувчи актёр қаҳрамоннинг хулқ-атворини тушуниб етиши ва унинг ҳолатини аниқлаб, томошабинга етказа олиши даркор, — дейди С.Муродхўжаева. — Баъзан дубляж жараёнида ўзимга ёқмаган катта роллардан воз кечиб, қунт билан ишлашни талаб этувчи, образларга бой кичикроқ ролларни танлайман.

1976 йилда санъаткор «Ўзбекфильм» студиясининг мультбирлашмасида режиссёр бўлиб ишлай бошлайди. «Тошбақа» мультфильми опанинг илк ижодий мултфильми эди. Сўнг бир-биридан услуб ва мавзу жиҳатидан ажралиб турувчи «Сеҳрли кийик», «Лола қўшиғи», «Икковлон», «Ёмғир», «Қудуқ», «Сеҳрли анор ҳақида эртак» каби мультфильмлар юзага келди. Мавзу турлича эса-да, уларнинг барида Ёвузлик устидан Эзгулик ғалабаси, Тинчлик ва Гўзалликнинг улуғлигидек умуминсоний ғоялар ўз аксини топган.

— Мультфильмлар асосан икки услубда — чизма ва терма усулда яратилади. Чизма усулдагилари юзлаб, минглаб турли-туман суратларни чизиш билан амалга оширилади. Терма мультфильмлар эса тайёр суратларни танлаб, жой-жойига қўйиш орқали яратилади. Ҳар бир янги фильм узоқ изланишлар, машаққатли меҳнат эвазига ва шу билан бирга, миллий қадриятлар, боқий анъаналаримиз, қадимий урф-одатларимизни назарда тутган ҳолда тайёрланади, — дейди опа.

Санъаткорнинг таъкидлашича, мультфильмлар ёш авлоднинг бадиий ва эстетик тарбиясида, унинг дунёқарашини бойитишда, миллий истиқлол ғояларини тараннум этишда беқиёс имкониятларга эгадир. Негаки, бола ҳали саводи чиқмасиданоқ, телевизор орқали мультфильм кўради. Унда акс этган мўъжаз воқеалар, персонажлар гўдак қалбида яхшилик ва ёмонлик, ҳалоллик ва муғомбирлик ҳақидаги илк тасаввурни уйғотади. Шунинг учун ҳам фарзандларимиз нафақат Дисней қаҳрамонларини, балки ўзимизнинг эртаклардаги миллий қаҳрамонларимизни ҳам билишлари керак.

С. Муродхўжаева худди шу мақсад сари интилмоқда. Изланишлари бесамар кетаётгани йўқ. «Узвийлик» мультфильми Украинада бўлиб ўтган «Крок» номли биринчи Халқаро киноанжуманда «Энг яхши фильм учун» совринига сазовор бўлди. «Муҳаббат қанотлари ёки Янги эртак» мультфильми эса ватандошларимиз учун энг севимли кинобайрамига айланиб қолган Бухоро шаҳридаги Иккинчи Ўзбек миллий фильмларининг фестивалида юқори баҳоланди: санъаткор «Энг яхши мультфильм учун» совринига лойиқ деб топилди.

— Болалар учун экран асари яратиш жуда мураккаб ва шарафли жараён, — дейди санъаткор. — Ҳозирда ёш авлод тарбиясига эътиборнинг кучайиши — болалар киносини янада тараққий эттириш, бу соҳадаги сценарийнавис, режиссёр ва умуман, барча ижодкорлар зиммасига катта масъулият юклайди. Мустақиллик йилларида кинонинг узвий қисми бўлган анимация санъатига жиддий эътибор қаратила бошланди. Мультфильмларда миллий қиёфа, миллий қаҳрамонлар образини яратиш, мавзу ва жанр хилма-хиллиги орта борди. Истиқлол мафкураси халқимиз ўтмишига, бугуни ва эртанги кунига янгича назар билан қарашга ундади.

Ҳозир моҳир режиссёр Тўмарис ҳақидаги «Озодлик қуёши» ҳамда «Зороастр ва Авесто» мультфильмлари устида қизғин иш олиб бораяпти. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист зиммасига болаларга қувонч улашишдек шарафли масъулият юкланган. Биз ҳам севимли санъаткоримизга янги ижодий зафарлар тилаб қоламиз.

**Назокат УСМОНОВА.**


СОБИҚ СОВЕТ ИТТИФОҚИ ДАВЛАТЛАРИ УЧУН АМЕРИКА ФУҚАРО ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ЖАМҒАРМАСИ (CRDF) ВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ (ФТДҚ)

„ТЕРРОРИСТИК ҲАРАКАТЛАРНИНГ ФУҚАРОЛАР УЧУН ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ"

МАВЗУИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.



**Танлов мақсади:** фуқаролар учун террористик ҳаракатларнинг таъсирини камайтиришга кўмаклашиш.

**Танловда қатнашишлари мумкин:** Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ олимлар ва мутахассислари.

**Танлов уч йўналиш бўйича ўтказилади.**

*Қўшма илмий семинарлар* — террористик ҳаракатлар таъсирининг олдини олиш ёки камайтириш, янги илмий-техник ечимларни муҳокама қилиш ҳамда ҳамкор давлатлар олимлари ва мутахассислари ўртасида янги ҳамкорликни ўрнатиш.

*Саноат дастурлари лойиҳалари* — террористик актлар таъсирининг олдини олиш ва камайтиришга қаратилган қўшма илмий-тадқиқотишларини АҚШнинг фирма ва компаниялари билан биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

*Қўшма илмий-тадқиқот лойиҳалари* — террористик ҳаракатлар таъсирининг олдини олишга ёки камайтиришга қаратилган қўшма илмий-тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

**CRDFнинг почта манзили:**
U.S.Civilian Research and Development Foundation (CRDF)
1800 North Kent Street, Suite 1106 Arlington, Virginia 22209.

**Телефон (1) 703-526-9720, факс (1) 703-526-9721.**

**Аризаларни тақдим қилиш вақтлари:**

«Қўшма илмий семинарлар» йўналиши бўйича — 2002 йил 31 январгача.
«Саноат дастурлари лойиҳалари» йўналиши бўйича — 2002 йил 15 майгача.
«Қўшма илмий-тадқиқот лойиҳалари» йўналиши бўйича — 2002 йил 15 майгача.

**Дастурларга оид қўшимча маълумотлар** CRDFнинг веб сайтида жойлаштирилган: http://www.crdf.org. Электрон почта: information@crdf.org (электрон почтадан юборилган саволларга дарҳол жавоб берилади).

**Танловда қатнашиш шартлари тўғрисидаги маълумотни ФТДҚда олиш мумкин: 700017, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 29-уй, Тоджиева Динара Рашидовна (327-хона).**

**Телефон (998 71) 139-12-40, факс (998 71) 139-40-40.**

5229/39


Табиат бурчаги

## «ОДАМ АТОДАН ҚОЛГАН ЖОНИВОР»

**Халқ орасида бу ибора узоқ яшаш маъносида қўлланилади.**

**Судралувчиларнинг энг қадимий вакили Гаттерия фақат Янги Зеландияда сақланиб қолган, холос. Кўринишидан калтакесакка ўхшайди. Узунлиги 76 см, эркагининг вазни 1 кг, урғочисиники 0,5 кг. Калласи катта, оёқлари беш бармоқли. Гарданидан думига қараб учбурчак тангачалардан иборат тароқсимон ўсимталар жойлашган.**

**Бу жонивор асосан тунда ҳаракат қилади. Майда умуртқасизлар билан озиқланади. Бир метрча чуқурликда ин қуради, тухум қўйиш йўли билан кўпаяди. Характерли хусусиятларидан бири — ҳаво ҳарорати 12-15 даражага кўтарилганда, фаоллиги билан ҳозирги судралувчилардан фарқ қилади. 12-15 ойдан сўнг тупроққа кўмиб қўйилган тухумдан болалари чиқади. Ривожланиши жуда суст. 20 ёшида вояга етади, секин ҳаракат қилади, зарурат бўлиб қолса, гавдасини кўтариб югуради. Тутқунликда 50 йилгача яшайди.**

**Бу жониворда қадим-қадимда яшаган жониворларнинг белгилари сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам, Гаттерияни қадимги судралувчиларнинг ҳозирги кундаги вакили, деб айтиш мумкин. Ушбу ноёб жонивор оврупаликлар келганига қадар янги Зеландиянинг шимолий ва жанубий оролларида тарқалган эди. XIX аср охирига келиб, улар қирилиб кетди. Ҳозирги вақтда фақат айрим оролларда гина сақланиб қолган.**

Яҳё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.



— Сочимизни турмакладик, ярашибдими?

РАССОМ ХАНДАСИ




А. ҲАКИМОВ чизган расм.

**САВОЛ БИЗДАН...**

*Энг ёрқин юлдуз нима деб аталади?*

136-35-60

**16 декабрь сонида берилган саволнинг жавоби:** вольфрам 3410 даражада эрийди. Бу ҳақда Сурхондарёдан Сетора Шерова, Сирдарёдан Дилшод Темиров, Тошкент шаҳридан Зафаржон Бобоқуловлар хабар қилишди.

### ИИВ тезкор хабарлари

## Антиқа «буюртма»

**Булоқбоши туманидаги Ойбек номли жамоа хўжалигида яшовчи муқаддам судланган фуқаро Б.Раймжонов ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. У ўзига таниш кишилардан бири мазкур жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро В.Қ. унга 30 минг сўм пулни аванс тариқасида бериб, хотинининг ўйнаши К.Б. ни ўлдириб беришини, иш битганидан сўнг 120 минг сўм бермоқчи бўлаётганини айтади.**

**Ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида «Кулла» бозори ҳудудида Б.Райимжонов буюртмачига «Буюртмангиз бажарилди», деганидан сўнг Б.Қ. унга 120 минг сўмни бераётган пайтда қўлга олинади.**

**Ҳозирда бу антиқа «буюртма» юзасидан тергов ишларини прокуратура ходимлари олиб боришмоқда.**

## Ўзганинг кийимига кўз олайтирсанг...

**Тошкент шаҳрининг Миробод туманида номаълум шахс «1-Спутник» даҳаси, 6-уйда яшовчи С.Меньшихни А.Қодирий кўчасида қўрқитиб, эгнидаги курткаси, шими ва кроссовкасини ечиб олиб кетган эди.**

**Юпун қолган Меньших ички ишлар бошқармасига мурожаат қилганидан сўнг унга зўравонлик қилиб, кийимларини олиб кетган А.Варейкин аниқланиб, ушланди.**

**Бу жиноят бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.**

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ Матбуот маркази ходими.**


«Кока-Кола Трейдинг Тошкент»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
ЎЗИНИНГ УСТАВ ЖАМҒАРМАСИ КАМАЙТИРИЛАЁТГАНИНИ
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.
Барча талабномалар 3 ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади:
700011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 7-уй, 3-қават.
Телефон 120-40-00.
5239/73

*Биринчи даражали*
MAKSIMA
*салони буюртма бўйича Италия, Испания, Польшадан келтирилган ЮМШОҚ, УЙ-ЖОЙ, ОШХОНА*
МЕБЕЛЛАРИ
*ҳамда*
*РАСМЛАР, ҚАНДИЛЛАР, ЁРИТГИЧЛАРНИ*
*таклиф этади. Дид билан ишланган дизайн асосида, каталог бўйича уйингизни жиҳозлаб берамиз. Ўзбекистон бўйича элтиб ҳамда йиғиб берамиз.*

*Манзилимиз: Фурқат кўчаси, 5.*
*Тел. (371) 144-27-15.*
*Дам олиш кунисиз ишлаймиз.*



4044

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
NBU
пул жўнатмаларини
Вестерн Юнион халқаро тизими ёрдамида юборишни
*таклиф этади.*
*тез, ишончли, қулай*
WESTERN UNION | ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ
Бутун дунё бўйича пулларни энг тез ўтказиш усули

* АҚШ долларида келиб тушган пул жўнатмалари, мижоз хоҳишига кўра, жўнатма валютасида ҳам, Ўзбекистоннинг миллий валютасида ҳам тўланиши мумкин;
* чет элга пул жўнатмалари АҚШ долларида юборилади.

*Вестерн Юнион тизими бўйича жўнатмалар пули нақд шаклда қабул қилинади ва берилади.*

***Ҳозирги кунда «Ўзмиллийбанк»нинг беш бўлимида Вестерн Юнион тизими бўйича мижозларга хизмат кўрсатиш пунктлари очилган:***

- Тошкент шаҳар бош бошқармаси – Ғ. Ғулом кўчаси, 1-уй, телефон: 144-35-34;
- Бош операция бўлими – Тошкент ш., Я. Ғуломов кўчаси, 95-уй, телефон: 133-06-42;
- Тошкент вилоят бўлими – Т.Шевченко кўчаси, 29-уй,телефон: 133-68-19;
- Самарқанд бўлими – Фирдавсий кўчаси, 7-уй, телефон: 31-23-27;
- Бухоро бўлими – М. Иқбол кўчаси, 3-уй, телефон: 36-973.

5170


Ўзбекистон телевидениеси жамоаси «Маърифат» студиясининг режиссёри Римма Комиловага ўғли **ЖАВЛОНнинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти жамоаси институт кафедраси мудири Ибодулла Ражабовга падари бузруквори **ҚЎЗИБОЙ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси компания қошидаги Дони Зокиров номидаги Халқ чолғу оркестри созандаси Озода Назаровага отаси **Баҳриддин АҲАТОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат аграр университети ректорати ва жамоаси «Чет тиллар» кафедраси катта ўқитувчиси Холида Мирзаахмедовага ўғли **Мирвосит МИРЗААҲМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат аграр университети ректорати ва жамоаси «Фалсафа» кафедраси доценти Фарида Саифназаровага акаси **Имомназар УМАРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 3115, 34610 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ.
Навбатчи — М. ХОЛМАТОВА.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.45*
1 2 3 4 5 6